

**“Янги Ангрен ИЭС” АЖ кузатув кенгашининг
2026 йил 14 майдаги 8/2026-сон мажлис баёни**

“Янги Ангрен ИЭС” АЖ Кузатув кенгашининг мажлиси 2026 йил 14 майда Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23-уй манзилида ўтказилди.

Иштирок этганлар:

Кузатув кенгаши аъзолари:

Б.И.Жураев, У.У. Газиёв,
Б.Д. Кариев, М.М. Миркамалов,
С.Э. Анваров, Ф.А. Абдувалиева

Йиғилишда кузатув кенгашининг барча 6 та аъзоси иштирок этди. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 78-моддасига кўра кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум мавжуд (100%).

КУН ТАРТИБИ:

1. “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти натижалари юзасидан жамият ижроия органининг ҳисоботини тинглаш.
2. “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботларини МҲХСга мувофиқлигини текшириш ва “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йилнинг корпоратив фаолиятини баҳолаш юзасидан ҳисоботларни кўриб чиқиш.
3. “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари — фойда ва зарарларини кўриб чиқиш.
4. Жамият ички аудит хизматининг 2025 йил якуни бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш ва меҳнат шартномасини узайтириш масаласи тўғрисида.
5. “Янги Ангрен ИЭС” АЖ бош директори Т.С.Ражабов билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш масаласи тўғрисида.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ижроси тўғрисида.
7. Имтиёзли акция эгаларига дивиденд тўлаш масаласини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

“Янги Ангрен ИЭС” АЖ ижроия органининг 2025 йил якуни бўйича Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши бўйича Жамият ижроия органи томонидан ҳисобот тақдим этилди.

2025 йилда 5 247,5 млн кВт/с электр энергияси ишлаб чиқилди, 152 164,0 Гкал иссиқлик энергияси истеъмолчиларга етказиб берилди. Электр энергиясини ишлаб чиқариш режага нисбатан 102,9% ни, иссиқлик энергиясини етказиб бериш эса бизнес режага нисбатан 92,2% ни ташкил қилди. Ҳисобот даврида таъмирлаш ишларига 311,7 млрд. сўм сарфланди.

Етказиб бериладиган электр энергияси учун 440,65 гр/кВт.с. шартли ёқилғи бирлиги белгиланган бўлса, ҳақиқатда ҳам 451,68 гр/кВт.с. ни ташкил қилди.

Т/р	Кўрсаткичлар	Шартли бирлиги	Бизнес режа бўйича	Ҳақиқатда	Бизнес режага нисбатан % да
1	Электр энергия и/ч	Минг кВт/с	4 423 300,0	4 806 700,0	108,7
2	Иссиқлик энергияси етказиш	Гкал.	58 000,0	90 900,0	156,7

Маҳсулот сотишдан тушум 3 144,549 559 минг сўмни ёки режага нисбатан 91,6% ни (режа бўйича 3 431 182 142 минг сўм) ташкил қилди. Жамият 2025 йилни — 630 236 043,0 минг сўм зарар билан якунлади.

Жамиятнинг **дебиторлик** қарзлари 01.01.2026 йил ҳолатига 168 341 390 минг сўмни ташкил қилди. Қарздорлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 63 288 359 минг сўмга ошган. Муддати ўтган дебиторлик қарзлар 15 977 784 минг сўмни ташкил қилди.

Жамиятнинг **кредиторлик** қарзлари 01.01.2026 йил ҳолатига 1 406 483 509 минг сўмни ташкил қилди. Қарздорлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 484 855 520 минг сўмга ошган. Муддати ўтган кредиторлик қарзлар 540 184 минг сўмни ташкил қилади.

Кун тартибидаги биринчи масала атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

«Розилар» — 6 та, «Қарши» — та, «Бетараф» — та.

Қарор қабул қилинди:

1. “Янги-Ангрен ИЭС” АЖ ижроия органининг 2025 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига киритилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

“Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботларини МҲХСга мувофиқлигини текшириш ва “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йилнинг корпоратив фаолиятини баҳолаш учун eshop.uzex.uz электрон платформасида “Balans-Inform-audit” МЧЖ танлов асосида танланган.

“Balans-Inform-audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботларини МҲХСга мувофиқлигини текшириш ва “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йилнинг корпоратив фаолиятини баҳолаш юзасидан текширув ўтказилди.

“Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил молиявий-хўжалик фаолияти якунлари тўғрисидаги молиявий ҳисоботи “Balans-Inform-audit” МЧЖ аудиторлик ташкилоти томонидан 2026 йил 7 майдаги ишончли хулосаси ва шу аудиторлик ташкилотининг 2026 йил 7 майдаги 05/12-сонли корпоратив фаолиятни баҳолаш юзасидан берган 382 балл билан “қониқарли” деб топилган ҳисоботи тақдим этилди.

Кун тартибидаги иккинчи масала атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, овозга қўйилди

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

«Розилар» — 6 та,

«Қарши» — та,

«Бетараф» — та.

Қарор қабул қилинди:

1. “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича фаолияти ва молиявий ҳисоботларини МҲХСга мувофиқлигини текшириш ва Жамиятнинг 2025 йил бўйича корпоратив фаолиятини баҳолаш юзасидан “Balans-Inform-audit” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг берган хулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Янги Ангрен ИЭС” АЖ Ижроия органининг 2025 йил якуни бўйича самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (СМК) 102 фоиз “қониқарли” ташкил этганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. “Янги Ангрен ИЭС” АЖ ижроия органининг ҳисобот давридаги иш фаолияти “қониқарли” деб топилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

“Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуний молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи (бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари) кўриб чиқилди, жумладан:

Иқтисодий-молиявий натижалар кўрсаткичлари:

“Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 01.01.2026 йил ҳолатига тақдим этилган бухгалтерия балансига кўра баланс активлари 852 539 505,0 минг сўм, соф активлар -1 428 832 547,0 минг сўмни ташкил этган.

Жамиятнинг резерв капитали 394 972 448,0 минг сўм бўлиб, шундан захира фонди 11 606 481,0 минг сўмни ташкил этган.

“Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 01.01.2026 йил ҳолати дебиторлик қарздорлик 168 341 390 минг сўм бўлиб, шундан муддати ўтгани 15 977 784 минг сўм.

Жорий кредиторлик қарздорлик эса 01.01.2026 йил ҳолатига 1 406 463 509 минг сўм бўлиб, шундан муддати ўтгани 540 184 минг сўм.

Жамият 2025 йилда соф тушумлар 3 144 549 559 минг сўмни ташкил этган. Бунда маҳсулот таннарни 3 391 717 340 минг сўм бўлди.

Шунингдек, давр харажатлари 158 585 959 минг сўм, шундан маъмурий харажатлар 119 977 минг сўмга етган. Жамият 2025 йилни 630 236 043,0 минг сўм зарар билан якунлади. Бу 2024 йил якунига нисбатан 3,3 баробар кўп (жамият 2024 йилни 186 705 459,0 минг сўм зарар билан якунлаган).

Кун тартибидаги учинчи масала атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, овозга қўйилди

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

«Розилар» — 6 та,

«Қарши» — та,

«Бетараф» — та.

Қарор қабул қилинди:

1. “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари — фойда ва зарарлари маълумот учун қабул қилинсин. 2025 йил якуни бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан

“Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 2025 йил якуни бўйича ички аудит хизматининг ҳисоботи тақдим этилди (1-илова).

2025 йилнинг молия-хўжалик фаолияти натижаларига кўра, зарар 630,2 млрд сўмни ташкил этди, бу режадан -5088,28 % ёки -642 622 074,5 минг сўмга паст бўлган.

Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилмаслик сабаблари қуйидагилардир:

- товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан олинган соф тушум бизнес-режага нисбатан -10,2 %ни ташкил этиб, -358 632 582,5 минг сўмга камайган, бизнес режада сотиш нархи (тариф) ўзгариши режалаштирилган нархдан камайган, шу билан бирга миқдорий кўрсаткичлар бажарилиб, 108,7 %ни ташкил этган;

- 1 кВт·с электр энергиясининг реализация қиймати (ҚҚСсиз) режага нисбатан -0,3 %га ёки -2,4 минг сўмга паст бўлган, бу эса Жамият фаолиятининг молиявий натижаларига жиддий салбий таъсир кўрсатган;

- ишлаб чиқариш харажатлари 4 %га ёки 128 964 573,3 минг сўмга ошган, жумладан ёқилғи харажатлари 10,3 %га ёки 258 751 478,5 минг сўмга кўпайган;

- молиявий фаолият бўйича харажатлар 8,2 %га ёки 286 175 262,3 минг сўмга ошган.

Пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилиниши натижасида айланма маблағлари тақчиллигини олдини олиш мақсадида Жамиятга Вазирлар Маҳкамасининг топшириғи (Энергетика вазирлигининг билдиргисига асосида) билан Иқтисодиёт ва молия вазирлигидан ссуда ажратилиши бўйича таклиф киритиш масаласи белгиланди.

Бундан ташқари, Жамият кузатув кенгаши томонидан “Янги-Ангрен ИЭС” АЖ ички аудит хизмати ходимлари билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини 2027 йил 15 майгача ўзайтириш таклиф қилинди.

Кун тартибидаги тўртинчи масала атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

«Розилар» — 6 та, «Қарши» — та, «Бетараф» — та.

Қарор қабул қилинди:

1. Жамият ички аудиторининг 2025 йил якуни бўйича берган ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи (Ражабов)га:

- ички аудит хизмати томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, навбатдаги Кузатув кенгашига киритиш;

- пул маблағлари айланмасини ошириш масаласи бўйича берилган таклифларга мувофиқ, ўз айланма маблағларининг тақчиллигини камайтириш мақсадида ссуда олиш имкониятларини ўрганиш;

- жамият ижроия органи “Бизнес-режаси” параметрларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва жамият “Бизнес-режаси”да кўзда тутилмаган ортиқча харажатларни қисқартириш;

- давр харажатларни, шу жумладан маъмурий ва бошқа харажатларни камайтириш;

- дебитор қарздорликни ўндириш бўйича тезкор чораларни кўриш, зарур ҳолларда суд томонидан мажбурий тарзда ўндириш чораларини кўриш;

- ижроия органига ички аудит ходимлари иштирокида, шу жумладан, жамиятнинг бошқа ходимларини ҳам жалб қилган ҳолда жамият билан

аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиш учун ички комиссия ташкил этиш.

3. Жамият ижроия органи (Ражабов)га:

Жамият ички аудит хизмати ходимлари Ахмедов Нодир Ботирович ва Тўраев Абдурахим Нортожиевич билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати қонунчиликда белгиланган тартибда 2027 йил 15 майгача узайтирилиши таъминлансин.

4. Жамият ички аудит хизматининг 2026-2027-йиллар иш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 75-моддаси ва жамият уставининг 73 банди 2) кичик бандига асосан жамиятнинг ижроия органини тузиш, бош директорини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият кузатув кенгаши ваколатида эканлигини таъкидланди.

Жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 14 июлдаги мажлисида Ражабов Тоғмамат Сайдуллаевични "Янги-Ангрен ИЭС" АЖ бош директори этиб тайинланган.

Т.С.Ражабов ишлаган даврда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

2025 йил 1 январ ҳолатига мавжуд бўлган муддати ўтган 50,8 млрд сўм дебитор қарздорлик бўйича қарздор корхоналар билан ишлаб, ундириш чоралари кўрилди ва қарздорликни ундирилмаган қисми бўйича судга даъво аризалари киритилди ҳамда **41 млрд сўм** муддати ўтган дебиторлик қарзлар ундирилди.

2024-2025-йиллар давомида Атроф-муҳитга ифлослантирувчи моддаларни чиқарганлик учун компенсация тўловлари бўйича ҳисоб-китобларга кўра 26,2 млрд сўм белгиланган. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Тошкент вилояти бошқармаси ходимлари билан ҳисоб китоблар қайта кўриб чиқилди. Қайта ҳисоб-китобларга кўра белгиланган қийматдан **2,3 млрд сўм** қисқартиришга эришилди ва солиштирма далолатнома расмийлаштирилди.

2025 йил давомида кул-қурум омборларидан 300 минг тонна кул-шлак реализация қилиш белгиланган, 2025 йил давомида 120,3 минг тонна 1,45 млрд сўмлик кул-шлак сотилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-77-сон ва Вазирлар Маҳкамасининг 508-сон қарорларига асосан қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ва бу орқали ер ва мол-мулк солиғидан иқтисод қилиш белгиланган. Қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш натижасида ер ва мол-мулк солиғидан **200 млн сўм** иқтисод қилинди.

Жамият кузатув кенгаши томонидан "Янги-Ангрен ИЭС" АЖ бош директори Ражабов Тоғмамат Сайдуллаевични билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини 2027 йил 14 июлгача узайтириш таклиф қилинди.

Кун тартибидаги бешинчи масала атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, овозга қўйилди

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

«Розилар» — 6 та,

«Қарши» — та,

«Бетараф» — та.

Қарор қабул қилинди:

1. Ражабов Тоғмамат Сайдуллаевич билан тузилган меҳнат шартномасининг амал қилиш муддати қонунчиликда белгиланган тартибда 2027 йил 14 июлгача узайтирилиши таъминлансин. Меҳнат шартномасини жамият номидан кузатув кенгашининг раиси томонидан имзолансин.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ корпоратив буюртмачи ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари низомларига риоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат харидлари шаффофлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон қарорининг 1-бандига мувофиқ 2021 йил 5 июлдан давлат харидларининг йиллик ва чораклик режа-жадвалларини, шунингдек, импорт қилиш режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатларини харидларнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан кузатув кенгаши мажлисида кўриб чиқиш белгиланган.

Жумладан, 2025 йил бўйича “Янги Ангрен ИЭС” АЖ томонидан 4,842 трлн. сўмлик 1977 та шартнома имзоланган.

Шундан:

Махсус ахборот порталлари орқали 1431 та шартномалар — 437,9 млрд. сўм;
Тўғридан-тўғри шартномалар 546 та — 4,404 трлн. сўм;

Харидларни тоифалар кесимида олганда:

- Электрон дукон орқали — 35,642 млрд сўм;
- Миллий дукон орқали — 1,007 млрд сўм;
- Кооперацион портал орқали — 180,031 млрд сўм;
- СПОТ платформаси орқали — 162,341 млрд. сўм;
- Энг яхши таклифларни ташлаш орқали — 55,668 млрд.сўм;
- Тўғридан-тўғри шартномалар орқали — 4,404 трлн.сўм.

Кун тартибидаги масала атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, овозга қўйилди:

Овоз бериш натижалари қуйидагича:

«Розилар» — 6 та,

«Қарши» — та,

«Бетараф» — та.

Қарор қабул қилинди:

1. Жамият ижроия органи томонидан тақдим этилган Харидлар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.
2. Жамият ижроия органи (Ражабов)га:
 - Жамият эҳтиёжи учун харидлар (ишлар, хизматлар) рўйхатни қонунчиликда белгиланган тартибда махсус ахборот порталларида жойлаштириш;
 - Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик доирасида тегишли ҳисоботларни кузатув кенгашининг ҳар чорак якунлари бўйича йиғилишларига киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибдаги еттинчи масала юзасидан:

“Янги Ангрен ИЭС” АЖ уставининг 63-банди иккинчи хатбошига мувофиқ Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича акциялар номинал қийматининг 25 % миқдорида дивидендлар тўланади.

Маълумот учун, жамият имтиёзли акциялари миқдори номинал қиймати 1 000 сўм бўлган 152 900 дона имтиёзли акцияларни ташкил этади.


Овоз бериш натижалари қуйидагича:

«Розилар» — 6 та, «Қарши» — та, «Бетараф» — та.


Қарор қабул қилинди:

1. “Янги Ангрен ИЭС” АЖнинг 152 900 дона имтиёзли акция эгаларига акциялар номинал қийматига нисбатан 25% жами 38 225,0 минг.сўм дивиденд ўрнатилган тартиб ва муддатларда тўлансин.

Кузатув кенгаши аъзолари:




Б.И. Жураев



У.У. Газиёв

Б.Д. Кариев



М.М. Миркамалов

С.Э. Анваров

Ф.А. Абдувалиева